



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити

2016 йил 23-24 июн кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида ўтган учрашувда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида тузилган. Узро ишонч, дўстлик ва яхши кўнчилиқни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгиланган.

ШХТ Хартиясида аъзо давлатлар мустақиллик, ҳудудий яхлитлик ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлик, ўзаро англашув ва фикрларни инобатга олиш, ички ишларига аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига амал қилиш қайд этилган.

Ўтган 15 йилда ташкилотнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди, котибияти ва таркибий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. ШХТ нуфузли давлатлараро ташкилот сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Ўзбекистон ташкилотнинг асосчиларидан бири, улкан иқтисодий ва геосиёсий сало-

ҳиятга эга давлат сифатида унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимиз ШХТга савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда муҳим восита сифатида қарайди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи мартаба раислик қилмоқда. Мамлакатимиз ШХТга 2003-2004 ҳамда 2009-2010 йилларда раислик қилган.

Ўзбекистоннинг ташкилотга биринчи раислиги ҳам ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи — Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси очилган. Хавфсизлик кенгашлири котиблари учрашуви йўлга қўйилган. Бу ишлар ШХТнинг асосий мақсадларидан бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда муҳим омили бўлмоқда.

2004 йилдаги саммитда ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ШХТ хузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низоми ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланган. Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистонга ШХТ хузуридаги кузатувчи давлат мақоми берилган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўша йилги саммитга Афғонистон раҳбари илк бор меҳмон сифатида тақлиф қилинган. Кейинчалик Афғонистон ШХТ хузуридаги кузатувчи давлат мақомига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг иккинчи раислиги даврида амалга оширилган ишлар ҳам ШХТ фаолиятини янги босқичга кўтарди. 2010 йил апрел ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузилма билан ўзаро алоқаларига асос бўлиб келмоқда.

2010 йил 11 июн кун Тошкентда ўтган саммитда, шунингдек, ташкилот доирасидаги масалаларни ҳал этишда муҳим ҳужжатлар — ШХТнинг иш юритиш қоидалари ва ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 11 июндан буён ташкилотга раислик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз аъзо давлатлар билан биргаликда ШХТ доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро алоқалар мувофиқлашувини яхшилаш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини кучайтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширди. ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг 15 йиллик фаолияти асосий натижаларини кўриб чиқдилар. Ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллагани алоҳида таъкидланди. Мажлисда халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа кўринишлари бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек хавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга фақат ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди.

ШХТ Хартияси қоидалари ва бошқа ҳужжатларига мувофиқ терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар билан ноқонуний савдо, оммавий қирғин қуроллари ва уларни etkazиб бериш воситалари тарқалишига қарши биргаликда курашиш ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш ва бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, хавфсиз, ҳолис ва очик ахборот маконини яратишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Мажлисда кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, минтақа ва дунёда-

ги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Иқтисодиётнинг пасайишига қарши самарали курашиш борасида тажриба алмашиш, инновацион технологияларни жорий қилиш, қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида узоқ муддатли ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда транспорт коммуникациялари, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари — Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Мухаммад Зариф, саммит меҳмони — Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов ҳам иштирок этди. Шунингдек, мажлисда ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди.

Саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жеффри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиеда ҳамкорлик ва ишонч орқали бўйича кенгашининг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислам Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақоми олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТнинг тенг

ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва умуман дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари мақоми бериш тўғрисидаги меморандум имзоланишини маълум қилдилар.

Музокаралар якунида ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

ШХТ Бош котиби Рашид Алимов Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги тарихий аҳамиятга эга бўлганини, бу даврда барча тадбирлар, жумладан, Тошкент саммити юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси халқи ва раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан ШХТнинг Тошкент саммити якунига етди. У ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида ШХТ тарихидан алоҳида ўрин олади.

ШХТга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

Президентлар учрашувлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 июн кун Кўксаройда Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж билан учрашувлар ўтказди.

Ислам Каримов Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувда унинг юртимизга илк ташрифи мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг тарихи муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш.

Ўзбекистон ҳамisha «Кўшининг тинч — сен тинч», деган ҳикматга амал қилиб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг иқтисодиётини тиклаш тарафдори бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, мева-сабзавотлар, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар экспорт қилмоқда. 2016 йилнинг дастлабки тўрт ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 14 фоиз ошди.

Учрашувда ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томирларни қизқитириш минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти самимий учрашув учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Афғонистон мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон минтақада тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Барча давлатлар, биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда. Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли бунга яққол мисолдир. Ушбу замонвий транспорт йўли мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

➤(2).

Улуғ шоир даҳосига эҳтиром



Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 июн кун атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ҳайкали қад ростлаган майдонга таширф буюрдилар.

Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил-иноқ истиқомат қилаётган мамлакатимизда барча миллат вакиллари аънаналарини,

урф-одатларини асраб-авайлашга оид ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида адабиёт ва санъатни рағбатлантириш, шунингдек, жаҳон

адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади. Пушкин ҳайкали ўрнатилган майдон пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг сеvimли масканларидан биридир. Ўзбекистонда Рус миллий

➤(2).

Касаба уюшмалари — болаларга

Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида «Бешбулок — Сурхон — Шеробод» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Яна бир туҳфа

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Т.Нарбаева, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдуқодиров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни улғайтириш йўлида кўрсатилаётган гамхўрликлар юксак самара бераётганини таъкидлади. Ёшларнинг ёзи таътил кунларини янада мароқли ўтказиши учун сўлим гушаларда замонвий болалар оромгоҳлари барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, таъмирлаш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

4,3 гектар ер майдонига эга бўлган мазкур оромгоҳ бугун болажонларнинг шўхшодон кулгулари билан янада файзага тўлган. Жорий йилда 5 навбатда фаолият юритиш кўзда тутилган янги оромгоҳда 1300 нафарга яқин ўғил-қиз мароқли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

➤(4).

Улуғ шоир даҳосига эҳтиром

Майдонда амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистонда жаҳон адабиётининг буюк намояндалари қатори Александр Сергеевич Пушкин ижоди, адабий мероси юксак қадрланиши, шоир хотирасига бунёд этилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифи гоят самарали бўлганини алоҳида таъкидлаб, самарали музокаралар учун Президентимиз Исрол Каримовга самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга оширган ишларга юксак баҳо берди. Ишчанлик руҳида ўтган Тошкент саммити ШХТ давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Тошкент халқро аэропортида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов кузатиб қўйди.

ЎЗА

Президентлар учрашувлари

Ўрашувда савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Алмазбек Атамбоев самимий ўрашув учун давлатимиз раҳбари Исрол Каримовга миннатдорлик билдириб, ШХТ саммити ўрнатилган даражада юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қирғизистон Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга интилишини қайд этди.

Исрол Каримов Покистон Исрол Республикаси Президенти Мамнун Хусайн билан мулоқотда унинг юртимизга илк ташрифини мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига муҳим воқеа, деб билишини таъкидлади.

Покистон Ўзбекистонга яқин қўшни, улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Мамлакатларимиз ҳамкорлиги минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Давлатларимиз минтақавий ва халқро аҳамиятга молик долзарб масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Покистоннинг ШХТга аъзо давлат сифатида қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб, ташкилотга раислиги даврида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Бу борада Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Саммит доирасида ШХТда аъзо давлат мақоми олиш мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши унинг амалий натижаси бўлди.

Ўрашувда ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Мамнун Хусайн Ўзбекистон меҳмондўстлиги ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Покистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Президентимиз Исрол Каримов Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбегдорж билан ўрашувда унинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга кенг йўл очишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Мўғулистонда ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар кўп. Турли соҳаларни ўрганиш, фойдаланилмаётган ресурсларни ишга солиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатига хизмат қилади.

Ўрашувда савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Мўғулистон Президенти самимий ўрашув учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ШХТ саммити юксак савияда ташкил этилганини қайд этди. Мўғулистон мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА

Бунёдкорлик

Термизда янги жиёбон

Бугун Термиз шаҳри том маънода жануб гавҳарига айланмоқда. Президентимиз ташаббуси ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари боис шаҳар кўркამ қиёфа касб этмоқда.

Юртбошимизнинг «2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфра-

тузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра қисқа муддатда «Дўстлик» боғининг хушманзара жойидаги икки гектар майдонда Хотира ва қадрлаш жиёбони бунёд этилди.

Бунинг учун тендер орқали энг тажрибали қурувчилар жалб қилинди. Ишларнинг бир-бирини қишлоқ, шарқона мейморчилик анъанасини ўзида акс эттирган

айвон қурилди. Йўлақлар дарахт ва гул кўчатлари билан безатилди. Шунингдек, махсус хотира китобига Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган сурхондарёлик юртдошларимизнинг исми-шарифи зарҳал ҳарфлар билан битилган. Мотамсаро она ҳайкали, уруш дахшатларини ёдда тутиш, тинчлик учун қурбон бўлганлар хотирасини эъзозлашга ундайди.

— Термиз Авестода Тар-

мида, яъни туғи баланд эрлар юрти, деб аталган. Янгидан қад ростлаган жиёбон шаҳарга ўзгача кўрк бағишлади, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Уни бунёд этиш учун 6 млрд. 200 млн. сўм маблағ сарфлангани халқимизга, аждодларимизга кўрсатилмаётган ғамхўрликнинг юксак намунасидир. Бу маскан нафақат Термиз шаҳри аҳолиси, балки бутун сурхондарёликлар учун ҳаммиса азиз ва муқаддас гўша бўлиб қолади.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Таълим даргоҳида

Чилонзор матбаа касб-хунар коллежида 445 нафар ўқувчига 26 нафар тажрибали педагог таълим бермоқда. Коллежнинг барча ўқув хоналари замон талабига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, муассасада умумтаълим фанлари ва махсус фанлардан тўғрақлар ташкил этилган.

Ёшлар — эртаимиз эгалари



Айниқса, «Ёш нотиклар», «Ораса қизлар» тўғрақлари самарали фаолият кўрсаттир. Коллеж ўқувчилари ўз ижоди билан матбуотда қатнашиб туради. Бундан ташқари, ўқувчи-қизлар фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, совринли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий таънига айланган. Айни пайтда коллежда ишлар қизгин тус олган. Са-

баби, мактаб битирувчиларини коллежга қабул қилиш давом этмоқда. Бу ҳақда «Тошкент» телеканалда намойиш этилган «Эртаимиз эгалари» кўрсатувиди ҳам сўз юритилиб, мактаб битирувчилари билан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Дилором ТЎХТАЕВА, Чилонзор матбаа касб-хунар коллежи ўқитувчиси. Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Давра суҳбати

Эътироф

Фаргона ҳарбий госпиталида бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Мустақил Ўзбекистон 25 ёшда» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни ҳарбий госпитал касабаси уюшма кўмитаси раиси М.Абдуллоева очди.

Госпитал бошлигининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, майор А.Эрназаровнинг «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон», майор С.Алиқулловнинг «Мустақил Ўзбекистоннинг пўлат қалқони» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Тадбир давомида иштирокчилар юртимизда аҳолининг турмуш даражаси кундан-кунга яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб бораётгани ва иқтисодийнинг барча жаҳаларида мислсиз аъзоларга эришилаётганини эътироф этишди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Обод манзиллар



«Орзу»да орзудаги уйлар

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Наманган вилоятида ҳам бу борада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Наманган туманидаги «Орзу» массивида кейинги йилларда намунавий лойиҳалар асосида ўнлаб уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳовли тўйини ўтказганлардан бири — Наманган муҳандислик-педагогика институти ўқитувчиси Саъдулла Умархонов оиласидир.

— Шинамлик, кўркамлик ва қулайлиқдан дил ёришади, — дейди Саъдулла аканининг турмуш ўртоғи Шаҳноза Умархонова. — Хоналар алоҳида, миллий урф-одатларга мос жойлаштирилгани бизга гоятда манзур бўлди.

СУРАТЛАРДА: янги уй соҳибларидан бири Саъдулла Умархонов хонадониди; Наманган туманидаги «Орзу» массивида.

ЎЗА фотомухбири Хотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Тадбир

Мадҳингни куйлайман, Ватан!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Сирдарё вилояти бўйлаб «Гўзал ва батақоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Гулистон шаҳридаги «Ёшлик» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган «Мадҳингни куйлайман, Ватан!» деб номланган гала-концертга қорхона ва ташкилотларда ишловчи 15 минг нафарга яқин ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари ташрифи бўйришди.

Концерт дастурида эл севган санъаткорларнинг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Она Ватан, истиқлол, ёшлик ва муҳаббат оҳанглари билан тўлиб-тошган шўх тароналар барчани рақсга чорлади. Ватанини мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

— Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз олтидан ташкил этилган ушбу тадбирга оиламиз аъзолари билан бирга келдик, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси иқтисодчиси Икром Худойбердиев. — Концерт кайфиятимизга хушнудлик бағишлади. Оила аъзоларимиз номидан ташкилотчиларга миннатдорлик билдираимиз.

Зебо ҲАЙДАРОВА

Матбуот анжумани

Жиззах вилоятида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида бугунгача 173 миллиард сўмлик маблағ сафланди. Олис ва чекка туманларда яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун зарур ижтимоий, маънавий ва тиббий нуқтаи назардан зарур шароит яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Қишлоқ туманларида «Гўзаллик саломи», модлар ателеси, электромашини техникалар ва оёқ кийим таъмирлашни ўз ичига олган намунавий маънавий хиз-

«Friedensdorf International» ташкилоти томонидан 42 нафар бола тиббий қўриқдан ўтказилиб, улардан уч нафари Германияда доволанишга таклиф этилди.

Йил дастури асосида

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Қалб нури» маркази ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар кўмағида «Соғлом оила — барқарор жамият» лойиҳаси доирасида Бахмал, Галларол, Жиззах туманларида тўхсон нафар коллеж

битирувчи қизлари ва уй бекалари учун тикувчилик, каштачилик, гиламдўзлик, кўроқчилик хунарлари бўйича «Устоз-шогирд» йўналишида ўқув курслари ташкил этилди.

Матбуот анжуманида вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулнора Тўраева, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Орф Зийёев ўз чиқишларида шу ва бошқа долзарб масалаларга тўхталишди.

Журналистлар саволларига атрофлича жавоб берилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Бандлик

Инсонга наф келтириш — олий бахт. Ушбу шиорнинг ҳаётга татбиқ этилишида улшимиз борлигидан мамнунимиз. Жамоат ташкилотимиз юрт истиқлолининг 25 йиллик байрами муносабати билан жойларда 25 та янги иш ўрни яратиш, ёшлар бандлигини таъминлаш ташаббусини амалга татбиқ этишга астойдил киришган.

Тўйга тўёна билан

Тизимимизда 270 дан зиёд бошланғич касабаси уюшма ташкилоти бор. Қарийб 29 минг нафарга яқин аъзоларимиз меҳнати ва ижтимоий муҳофазаси юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилаётди. Янги меҳнат жамоатларини сафимизга жалб этиш доимо диққат марказимизда. Жорий йилнинг ўтган даврида 26 та ташкилот аъзолари қабул қилиниб, уларда меҳнат қилаётган 211 нафар киши бугунги кунда меҳнат қонунлари, жамоат шартномаларида кўзда тутилган имтиёз ва афзалликлардан баҳраманд бўлиб келмоқда.

Тизимда 54 та, тармоқ шаҳар кенгаши таркибида 5 та янги иш ўрни яратилди. Янги қорхонамизга касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлар ишга қабул қилинди. Айни пайтда янги иш ўринлари яратиш борасида қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Ишларни ташкил этишга хайрихоҳ ҳамкорлар ҳам бор. Қўтлуг байрамимизга ана шу кўшимча қувватларни ишга тушириш ҳаракатидаммиз. Байрам шукҳуи кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Феруза ҚИЛИЧЕВА, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси



27 ИЮН

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

Ҳамкасблар эътирофи

Одатда инсон бирор қийин муаммога дуч келса, ҳамдардга эҳтиёж сезса, ҳақиқий дўст излайди. Унинг кўмаги, ёрдами билан муаммолари ҳал бўлишига, мушқули осон кўчишига ишонади. Таъбир жоиз бўлса, мен касабам уюшмаларини қийин вазиятга тушган ҳар қандай кишининг оғирини енгил қилишга тайёр ана шундай дўстга ўхшатаман. Ўзбекистон касабам уюшмалари Федерациясининг «Ishonch» газетаси менга жуда қадрдир. Чунки дастлаб ушбу газета тахририятида, сўнг унинг Фарғона водийси бўйича, кейинроқ Андижон вилоятидаги муҳбири сифатида олти йил ишлаганман. Касабам уюшмалари ҳаётидан кўпмақоллар ёзганман. Ёзганим сари ушбу жамоат ташкилоти халқимизнинг беминнат дўсти, ҳамдарди эканининг гувоҳи бўлганман.

«ISHONCH» ишончимга қанот бўлган

Бугун касабам уюшмаларининг мавқеи жуда баланд. Унинг фаолиятдан халқ миннатдор. Узоққа бормай, ўзим ўриндош макомда ишлаётган Олтинқўл иқтисодиёт коллежи бошланғич касабам уюшмаси фаолияти ҳақида сўзласам. Кўмитага ташаббускор, ташкилотчи, рус тили фани муаллими Ҳамиджон Исроилов раислик қилади. Ўқувчиларини билимга қизиқтириш, дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам берадиган маънавий-маърифий тадбирларнинг аксарияти касабам уюшмаси ташкилотчилигида, ташаббускорлигида ўтади. Мақтанчи бўлса ҳам айтиш, коллежимиз вилоятдагина эмас, мамлакатда ҳам баланд нуфузга эга. Ўқувчиларимизнинг билим кўрсаткичлари юқори. Коллеж директори Шукржон Маматқулловнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабам уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан коллеж ўқувчиси, эҳтиёжманд оила фарзанди Сарварбек Йўлдошевга икки йил давомида стипендия берилиши ҳам уюшманинг хизмати. Ҳамид Исроиловнинг таклифи билан кейинги йилларда ташкил қилинаётган спорт мусобақаларида устоз муаллимлар ҳам иштирок этмоқда.

Касабам уюшмаси ҳомийлигида ташкил этиладиган «Инсон — азиз, хотира — муқаддас» тадбири ҳам ҳамиша таъсирчан ўтади. Бу йилги тадбирда Ватанимизда озодлиги, келажаги йўлида ҳалок бўлган мард йигит Отабек Каримов ҳамда коллежда фаолият юритган устозлар — профессор Қодиржон Йўлдошев, Сойибжон Бахронов, фан номзоди Нейматжон Араббев, Гуломжон Абдурашодов, Азимжон Исломов, Тулганбой Ҳасанов, Фазилатхон Гофурованинг хотирасига бағишлаб коллежимизнинг «Андижон зукколари» жамоаси махсус сценарий асосида сахна кўринишлари намойиш этди. Шогирдлар устозлар ҳақида тўқинлашиб сўзладилар. Марҳум устозларнинг тадбирга таклиф қилинган фарзандлари, яқин қариндошларига совғалар тақдим этилди. Ўқувчилар ҳалол яшаш, билимни бўлиш, халққа хизмат қилиш инсонга иккинчи умр ҳада қилиши, яхшилик ҳеч қачон исзис кетмаслигига гувоҳ бўлишди.

Коллежда икки юздан ортиқ ходим ишлайди. Ҳар ўқув йили тугаганда касабам уюшма кўмитаси ҳомийлигида юртимизнинг сўлим ва гўзал ошёналарига жамоавий саёҳат уюштириш анъанасига айланган. Бундан ташқари, коллеж муаллимлари ва техник ходимларни мамлакатимиздаги «Косонсой», «Чортоқ», «Чимён», «Оқтош» сяхатгоҳларида мунтазам дам олдириш йўлга қўйилган. Бу биргина коллеждаги бошланғич касабам уюшмаси фаолиятидаги ишлар. Юртимизда бундай бошланғич ташкилотлар қанча...

Мавзуга қайтадиган бўлсак, Ўзбекистон касабам уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ўтказилаётган катта-катта форумлар, анжуманлар, кўрик-танловлар аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритишга тўғри келади. Яна Олтинқўлдан бир мисол. Жорий йилнинг 1 июнида олтинқўллик 5-синф ўқувчиси Муслима Мирзаева Касабам уюшмалари Федерацияси ташкил этган «Болалар қўшиқлари» кўрик-танловида «Энг яхши қўшиқ» номинацияси бўйича учинчи ўринни олиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан мукофотланди. Қўшиқнинг матн муаллифи сифатида мен ҳам, андижонлик бастакор Хатират Ақромова ҳам махсус диплом ва мукофотларга сазовор бўлдик.

Қарангки, Муслима Мирзаева 2014 йили Касабам уюшмалари Федерацияси ўтказган «Истиқлол гунаҳлари» кўрик-танловида ҳам 1-ўринни олган эди. Муслиманинг ушбу танловлардаги муваффақияти янги ютуқларга далолат бўлди. Ахир қизалоқ Санкт-Петербургда халқаро танловда ҳам иштирок этиб, лауреатлик кубогини олиб келди-да!

Буларнинг бари журналист учун мавзу. У элнинг яхши ишларини яйраб, қувониб ёзса, баъзан лоқайдлик, хато ва камчиликлар, ноҳақликлар рўй берадиган кўйиб-ёниб танқидий мақолалар ҳам битидади.

Ёдимда, «Ishonch» саҳифаларида ёритилган Андижон шаҳридаги соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига доир «Мен дардимни кимга айтаман», Олтинқўл халқ таълими муассасасига қарашли мактаблар ўқитувчилари ҳаётига тааллуқли «Устозлар иззатда...ми?» каби танқидий мақолаларим яхшигина шов-шувга сабаб бўлган. Ўзим олтинқўллик бўла туриб шу ердан танқидий материал ёзганим учун айрим раҳбарларнинг «қора дафтари»га ҳам тушганман. Лекин барибир, ҳақиқат синмаган. «Ishonch» газетаси бир неча бор мавзуга қайтиб, мақола чоп этган. Муаллимларнинг беш ойлик маошларини турфа баҳоналар билан кечиктириб, бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланган, ўз ваколатларини суиистеъмол қилган айрим мутасаддилар жазоланган. Ўйлайманки, газета аралашуви тўғрисида ҳақиқатнинг қарор топиши «Ishonch»нинг халқ ишончига сазовор бўлиши, халқ хурматини қозониши, унинг асл дўсти эканининг амалдаги кўриниши эди.

Мен «Ishonch»нинг муҳбири сифатида журналистик осон касб эмаслигини, кураш майдонларида кишидан билим, иқтидор, журъат, сўзда собитлик, қатъият талаб қилишини ҳаётимда синаб кўрдим. Журналистик ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли, топан нони қаттиқ, лекин тотли эканини ҳам билдим. Шундан буюн йигирма йилча вақт ўтибди. Бу орада «Ушар муҳбир» деб ном олган каминга ҳам ўз касбимга садоқат билан кун сайин чарчлашиб бордим. Тақдиримга айланган бу курашчан касбнинг қувончи, суруридан баҳраманд бўлдим. Ижоддан тўхтамадим. 15 га яқин шеър, насрий, публицистик китобларимни ўқувчилар ҳужмига ҳавола қилдим. Камтарин меҳнатим 2014 йилда «Олтин қалам» Миллий мукофоти, 2015 йилда эса Президентимиз фармони билан «Шухрат» медалига муносиб топилди. Шу кунда «Миллий тикланиш» газетасининг Андижон вилояти муҳбири бўлиб фаолият кўрсатмоқдаман. Қаламим қўлимда, ҳамон курашчан сафда турибман.

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
«Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳибаси



Фахр туйғуси

Абдурауф Ваҳобов қарийб 24 йилдирки «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида меҳнат қилади. Фаолиятини оддий ишчилардан бошлаган бу инсон фидойилиги ва касбига муҳаббати тўғрисида тажрибали мутахассисга айланди.

— Ҳаётимнинг энг гўзал онлари ушбу нашриётдаги қизгин жараён билан чамбарчас боғлиқ. Йиллар давомида устозлар кўмаги билан тажрибам ошди. Олий ўқув юртини тамомладим. Ҳозирда нашриётнинг чоп этиш цехи бўлим бош-

лигиман, — дейди у фахр билан. — Дастлаб иш бошлаганимда асосан қўл меҳнатига таянган бўлсак, йиллар давомида соҳага янги усуналар, замонавий компьютер технологиялари кириб келди. Автоматлаштириш жараёнига ўтдик. Бу нашрларнинг сифатли чоп этилишини таъминлаётми.

Тўлқин Тошматовнинг ҳам ушбу нашриётда ишлаётганига 22 йилдан ошди. Фаолиятида салмоқли ютуқларни қўлга кiritиб келаётган мутахассис меҳнатлари

маъмурият ва касабам уюшмаси томонидан муносиб тақдирланди. Кўпмақол фахрий ёрлик ва моддий рағбатлар олди. Ундан бениҳоя бахтиёрлигини яширмайди.

Ўз ишининг моҳир устаси бўлган бу икки тажрибали матбаа ходими бугун ёшларнинг сеvimли ва қаттиққўл устозлари ҳисобланади. Шогирдлар улардан касб сирларини кунт бўлаб ўзлаштиришмоқда.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
олган суратлар

Байрам арафасида

Касбидан қадр топиб...



Фахриддин САМАДОВ,
журналист:

— Сурхон воҳасининг Денов туманидаги 19-мактабни тамомлаганман. Мактабимиз нафақат вилоятда, балки юртимиздаги энг салоҳиятли, номи чиққан ўқув муассасаларидан бири. Сабаби, ҳар йили мактабнинг 3-4 нафар истеъдодли ўқувчиси юртимиз ва халқаро миқёсдаги танловлар совриндори бўлаётди.

Ёшлигимдан журналистика соҳасига меҳр қўйдим. Аниқ эсимда, 6-синфда ўқиб юрган кезларим «Туркистон» газетасига мақола олиб бордим. Номи: «Лайлақлар қишлоқни тарк этди». Мақола унинг ёзилиши сабаби кўйидагича: қишлоғимизда неча юз йиллик чинор да-

рахти бўлар, унинг шохлари лайлақлар уя қилган эди. Уша пайтлар қишлоғимиздаги хонадонлардан бирига овчилар меҳмон бўлиб келиб, лайлақларни отиб беришга кўндиришди. Ўқ узилди, аммо нишонга тегмади. Утақаси ёрилган лайлақлар осмону фалакка парвоз қилиб, кўздан гойиб бўлишди. Шу-шу уларни қайтиб кўрмадик. Онам раҳматли: «Ўғлим, лайлақлар қайтиб келмайдими? Чинорга қарамадингми?» деб сўраганида чиндан зил кетардим. Ўн икки ёшда ёзилган мана шу мақола кутлуғ соҳага қўйган дастлабки қадамим бўлди.

Мактабни битиргач, бир неча йил давомида республикада донг қозонган «Чағоний» газетасида ишладим. Бу даргоқ мени пишиқти, соҳа қозонида яхшилаб «қайнатди». Зоир Мамажонов, Шомил Шокиров, Хуррам Раимов сингари забардаст журналистлар устозлик қилиб, соҳа сир-асрорини ўргатишди.

Кейинги фаолиятим «Ўзбекистон» радиосининг «Ахборот» бўлими билан боғлиқ. Бу ерда радиожурналистиканинг моҳир билимдонлари Баҳром Усмонов, Анвар Абдувалиев ва Зариф Мирзақулловлардан иш ўргандим. Ажойиб муҳитда аҳил жамоа

билан бирга катта иштиёқ ила ишладик. Беш йиллик меҳнат фаолиятим давомида соҳамиз денгизига янада чуқурроқ шўнғишга ҳаракат қилдим.

Насиб этган экан, мана 25 йилдан бери юртдошларимизнинг сеvimли кўрсатувларидан бирига айлиниб улгурган «Ассалом, Ўзбекистон»да фаолият юритиб келяпман. Мен бу кўрсатувни мазали таомга ўхшатишим келади. Унда хушбўй хид, мазали таъм ҳамда ёқимли жозоба каби хусусиятлар мўжассам.

Касбимиз шуни тақозо этадики, меҳнатдан, излашдан бир дақиқа бўлса-да тўхтаб олмайсиз. Тўхтадингизми, замон шиддатидан ортда қолиб кетишингиз ҳеч гапмас. Томошабинга манзур бўладиган кўрсатув тайёрлаш учун тинимсиз меҳнат қилишингиз, ўз устингизда излашингиз талаб этилади. Шунингдек, масъулият сиз учун биринчи ўринга чиқади.

«Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувининг жозибали чиқишида Дилноза Миралимова, Феруза Абдураҳмонова, Мукаррам Юнусова, Мамлакат Умарова, Хуршид Тулабоев каби журналист ва техник ходимлар сизнинг қўлидан меҳнат қилишмоқда!

Назаримда, журналист, авваламбор, ўз касбидан, қилаётган ишидан фахр-

ланиши, шу туйғуни бошқаларга ҳам улаштириш лозим. Огоҳлик, зийраклик, меҳнатсеварлик журналист учун бу борада энг керакли фазилатлар ҳисобланади.

Жаннатмонанд юртимиз, бетимсол тинчлигимиз ҳақида хоҳ ҳаётда, хоҳ эфир орқали тўқинлашиб гапирсам, онам: «Тинчлигимиз ҳақида кўп ҳам гапирверма, кўз тегиши мумкин», дерди. Шунда мен: «Меҳрибон онажоним-а, шундай юртимизга кўз тегмасин, тинчлигимиз абадий бўлсин, деган яхши ниятда кўп такрорлайман бу сўзларни», дердим.

Касб байрамимиз арафасида турган эканмиз, барча касбдошларни, устоз-мураббийларимизни ўз номидан, «Ассалом, Ўзбекистон» жамоаси номидан табриқлайман. Касбимиз, юқорида таъкидлаганимиздек, фидойиликни, меҳнатсеварликни талаб қилади. Соҳамиз вакилларига машаққатли юмушларини шараф билан адо этиб, халқимизнинг эътибори ва эътирофида бўлиб юришларини тилайман. Байрамимиз муборак бўлсин, қадрли ҳамкасблар!

«Ishonch» муҳбири
Давронбек ОРИПОВ
ёзган эди

Ибрат

Донишмандлар одамларни икки тоифага ажратган. Биринчиси дунёга келиб, ҳеч кимга фойдаси тегмай, нафсидан бошқани ҳайлга келтирмай яшаб ўтадиганлар. Иккинчиси эса умр бўйи изланиш, меҳнат қилишдан толмайдиган, эзгу ишлари билан ўзига ҳайқал қўйиб кетадиган кишилардир. Бугун иккинчи тоифага мансуб инсонлар орамизда кўп топилади.

Нурли йўл бекати

Ижод бўстонида ўзига хос изига эга, доимо халқ дарди билан яшаган устоз журналист Аҳмаджон Тўхтасинов олам ичра ўз оламини яратган ижодкордир. Ҳозирда қариллик гаштини сураётган бўлса-да, устоз ҳамон эл ишига камарбаста бўлиб қалам тебратишдан толмайди.

... Ташкент давлат университети

(ҳозирги ЎЗМУ)ни имтиёзли диплом билан тамомлаган Аҳмаджон ҳарбий хизматга чақирилди. Узоқ Шарқ ҳарбий округида хизматни ўтаётганда ҳарбий қисм газетасида илк иш фаолиятини бошлади. Дастлаб мусаххалардан иш бошлаб, адабий ходим, бўлим бошлиғи ва муҳарриргача бўлган лавозимларда фаолият кўрсатди.

1971-1994 йиллар «Меҳнат ва турмуш» журнали, «Кишлоқ ҳақиқати», «Сельская Правда» газеталарининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири, 1995-2003 йиллари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг Фарғона вилоятидаги муҳбири ҳамда касабам уюшмалари вилоят кенгаши қошидаги ўқув-соғломлаштириш маркази дирек-

яралган», «Хавфсизликка эътибор», «Ваъдадан иморат қуриб бўлмайдими», «Эзгу ишни ҳар кун қилиш керак», «Сендан табият ёрдам сўрайди», «Сертификатсиз товар — соғлиққа зарар», «Элни уйлаган кам бўлмас», «Махсулот эгасига тез ва сифатли етиб борсин», «Меҳнатга яраша рағбат бўлсин», «Чорвачилик ўғай соҳами?» каби мақолалари ўқувчилар эътиборига тушди.

Бундан ташқари, А.Тўхтасинов вилоят касабам уюшма фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб хисса қўшди. У ўқув-соғломлаштириш марказида ҳар йили соҳа ходимларидан 1,5-2 минг нафарининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этди.

Аҳмаджон Тўхтасинов бу йил кутлуғ 75 ёшга қадам қўйди. Журналистикада ўз ўрнига эга бўлган устоз ижодкорнинг шу ёшда ҳам фикри теранлиги, бардам-тектиклиги кишининг ҳавасини келтиради.

Сулаймон ҲАЙДРОВ,
«Ishonch» муҳбири

Маънавий тарбия

Бугунги кунда ахборотсиз бирор кун яшай олмаيمиз. Зотан, дунё ягона ахборот маконига айланган бир паллада ундан «холи» бўлиш мумкин эмас.

Ахборот ЭҲТИЁЖИ

Мамлакатимизда ҳам жамиятни ахборотлаштириш қонун билан белгилаб қўйилган. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ ўз ифодасини топган. Унга қўра, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Маълумки, ахборот доимий эҳтиёжимизга айланган. Ҳар кун унлаб теле ва радиоканаллар, газеталар ва интернет орқали янгиликларни мунтазам кузатиб бораемиз. Юртимиз истиқлолга эришганидан буюн халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида улкан вазифалар амалга оширилмоқда.

Назари тўқ одам ҳар хил майда-чуйда нарсаларга суқланиб қарамагани каби ҳар кун етарли даражада ахборотга эга бўлган шахс турли олд-қонди гапларга деярли эътибор бермайди. Эшитган тақдирда ҳам уша ишончсиз ахборот таъсирига тушиб қолмайди. Демак, жамиятнинг тўлақонли ахборотлаштиши амалда одамлар, айниқса, ёшларни бузғунчи гоялардан ҳимоялашга хизмат қилади.

Бугун кенг жамоатчиликка, айниқса, талабчан ёшларга қандай ахборотлар зарурлигини изоҳлашга ҳоҳат йўқ. Улар мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақида тезор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишни исташади. Шундай ахборотлар ўз вақтида етказилмаса, онда бўшлиқ пайдо бўлиши шубҳасиз. Маънавий бўшлиқ пайдо бўлдики, четда пайт пойлаб юрган кимсалар бузғунчи гоялари билан ёшлар онгини захарлаш ҳаракатига тушадилар.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончнинг йўқотадиган мана шундай гояларга қарши биз кураш билан эмас, гоя билан курашимиз зарур. Бизнинг гоимиз кучли бўлиши лозим. Авваламбор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз гоимизга ишониб майдонга чиқишимиз даркор».

Назозат ҚИЛИЧЕВА,
Республика болалар кутубхонаси етакчи мутахассиси

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ



Яна бир тўхфа

Соғлом она ва бола йилида ҳамда давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида вилоят аҳолиси учун ажойиб тўхфа бўлган ушбу оромгоҳни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларига 5,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Натижада, оромгоҳда замонавий лойиҳалар асосида ётқоқ бинолари, барча шарт-шароит ва қўлайликларга эга бўлган ошхона, маънавият хонаси, тиббиёт хонаси, ювенил хоналари, сузиш ҳавзаси капитал реконструкция-

дан чиқарилди. Оромгоҳга олиб борувчи йўллар ва худуд асфалтланиб, фарзандини кўргани келган ота-оналар учун шинам айвончалар барпо этилди. Аини вақтда оромгоҳда кенг ва шинам ётқоқ корпуслари, маънавият-маърифат хонаси, кутубхона, тўғарақ хоналари,

барча қўлайликка эга спорт майдончалари, замонавий ошхона хизмат кўрсатмоқда. Дам олаётган ўғил-қизларнинг хорижий тиллар ва компютер бўйича саводхонлиги оширилмоқда. 10 га яқин тўғарақ машғулотларида эса болажонлар

ўзлари қизиққан йўналишларда машғулот ўтамоқдалар. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган Болалар учун мўлжалланган шеърлар, куй ва кўшиқлар танловида саралаб олинган ижод намуналари ўғил-қизлар билан ўтказилаётган таълим-тарбиявий жараёнларда жуда асқотмоқда. Болажонлар учун мўлжалланган бадиий адабиётлар билан таъминланган кутубхона ҳам доимо гажум. Оромгоҳдаги барча хоналар алоҳида дид асосида энг замонавий мебел, маиший техника воситалари, ошхона анжомлари билан жиҳозланган. Кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари билан бирга болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун кўرғазмалар бурчаклар ташкил этилгани янада аҳамиятлидир. Болажонлар дармондориларга бой таомнамо асосида 5 маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросими мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлақати» мавзусидаги маданий-маърифий тадбирга улашиб кетди. Тантаналар давомида дам олувчиларга мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган ислохотлар, бунёдкорлик ишларининг инсон манфаатларига хизмат қилаётгани, ёш авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларнинг мазмун-моҳияти сингдирилди. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида болажонларга совғалар ҳадя этилди.

Оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизлар иштирокида ташкил этилган концерт дастуриди она Ватанимиз, Мустақиллик бағрати имкониятлар, барқарор тинчлигимиз ва мусаффо осмонимизни мадҳ этувчи куй ва кўшиқлар ижро этилди.

Ўз мухбиримиз

Ўзги соғломлаштириш

Болаликнинг бахтли лаҳзалари

Ўзги соғломлаштириш мавсуми «Муборакнефтгаз» МЧЖга қарашли «Ёш алангачи» оромгоҳида кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Корхона томонидан болажонларнинг мароқли дам олиши учун барча шароит яратилди. Жумладан, гул ва дароҳат кўчалари экибли, худуд ободонлаштирилди. Жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Турли эртақ қаҳрамонлари суратлари билан безатилган масканда ўзингизни гўё сеҳрли оламга тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Болажонлар томонидан тайёрланган «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остидаги театрлаштирилган мусиқий дастур кишига ўзгача завқ бағишлайди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ҳамда мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган турли маданий-маърифий, спорт, кўнгличар тадбирлар ташкил этиш режалаштирилган, — деди оромгоҳ бош етакчиси Юсуф Раззоқов. — Ҳар бир кун аниқ бир мавзуга бағишланган тадбирларга бой тарзда ўтмоқда. Масалан, «Китобхоналар кунинда» «Китобим — офтобим» мавзусида суҳбат, «Энг яхши китобхона» кўрик-танлови, «Ўзбекистон — ифтихорим» тадбири ўтказилди. Бундан ташқари, «Оромгоҳ маликаси», «Менинг сеvimли спорт қаҳрамоним», «Заковат», «Кўнвоқлар ва зўқоқлар», «Мушоира» тадбирлари орқали ўғил-қизларимизни зериктирмасликка ҳаракат қилаямиз.

Оромгоҳда бир навбатда 700 нафарга яқин бола дам олиш имконига эга, — таъкидлади оромгоҳ директори Бекмурод Қўчаров. — «Муборакнефтгаз» МЧЖ ходимлари фарзандларидан ташқари Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳам ҳордиқ чиқаришмоқда. Дам олиш онлари ҳар бир ўғил-қизга унутилмас лаҳзаларни тақдим этса, улар уйига олам-олам таассуротлар билан қайтишса, биз мақсадимизга етган ҳисобланамиз. Каттагина китоб фондига эга кутубхонамиз бор. Бу йил яна 550 та янги адабиёт олиб келинди.

Оромгоҳда нон цехи ишлаб турибди. Ҳар кун ишини кулчаю нонлар шу ернинг ўзида тайёрланаётир.

Муборак туманидан келдим, — деди суҳбатдошимиз Асадбек Чўлибоев. — Китоб тумани Қайнар қишлоғида жойлашган бу ажойиб маскан республикамиздаги энг яхши оромгоҳлардан саналади. Бу ерда ҳар бир кунимиз мазмунли ўтаётти. Роса маза қилаямиз.

Расм чизишга қизиқаман, — деди дам олувчи, Китоб туманидаги 5-«Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси Станислав Нижегородцев. — Оромгоҳда турли тўғарақлар бор. Мен расомчиликка қатнашяпман. Кўплаб янги дўстлар ортирдим.

Хуллас, «Ёш алангачи»да болаликнинг бахтли лаҳзаларини ўтказаятган эртамиз эгалари қўвонига гувоҳ бўлдиқ.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

26 июн — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни

Тошкент шаҳар Наркология диспансери шифокори Наргиза Бобонова билан бўлиб ўтган суҳбатимиз диспансерда гиёҳвандликка қарши кўрилатган чоратадбирлар ҳақида бўлди.

Умрингизни завола қилманг

— Диспансеримиз ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаси ҳисобланади, — дейди Наргиза Бобонова. — Бу ерда алкоголь маҳсулотларини суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳванд ва захарванд воситаларни нотибий истеъмол қилувчи шахслар даволанади. Наркологик беморларга стационар ва амбулатор шароитларда ташхис қўйилиб, улар билан тиббий-ижтимоий реабилитацияга доир тадбирлар олиб борилади.

Уз иктиёри билан, аноним тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган беморларга «Амбулатория тиббий картаси» тўлдирлади. Аноним тарзда мурожаат этган шахслар «диспансер» ҳисобига олинмайди. Шунингдек, амбулатория картасига суриштирув давомида олинган, объектив ва субъектив анамнезга, ўтказилган текширув ва даволаш реабилитация тадбирларига оид маълумотлар киритилади. Беморлар, наркологик беморларга ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига асосан даволанади.

Даволаш даврида нафақат дори-дармонлардан фойдаланилади, балки наркология соҳасидаги энг зарур даволаш услуби — психотерапия қўлланилади.

— Тасаввур қилайлик, ўсмир биллиб-билмай илк марта оғуни истеъмол қилди. Кўпгина ҳолларда ёшлар эсанкираб, кўрқиб шифокорга мурожаат қилмайди. Аинан шундай ҳолатда, яъни дастлабки адашув жараёнида қандай йўл тутиш талаб этилади?

— Энг аввало, дарҳол мутахассисга мурожаат қилиш лозим. Ўсмирнинг қандай йўл билан бундай иллатга йўлқикани аниқлаш керак. Маълумки, бу йўлга киришда ижтимоий, биологик ва руҳий омил-

ларнинг таъсири катта. Гиёҳванд моддаларга қарамлик ўзига ишонсизлик, ўз қобилига ўралиб олиш, қўрқоқлик, безовталик, лаёқатсизлик каби иллатларни келтириб чиқаради. Гиёҳванд ҳиссий беқарорлик, жиҳазлик, тажовузкорликка мойил бўлиб қолади. Шунингдек, ўсмир илк марта гиёҳванд модда қабул қилган бўлса, кейинчалик бу ҳолат срунқали равишда давом этмаслиги учун тиббий-ижтимоий реабилитация усулларида фойдаланилади.

— Иш тажрибангизда мана шу даволаш усулларида ўтган, ҳаётга қайтган беморлар ҳам бўлганми?

— Тошкент шаҳар наркология диспансерида беморлар ихтиёрий равишда мурожаат қилиб, даволанишга хоҳиш билдиришади. Даволашни самарадорлиги муолажалар билан бирга беморнинг иродаси ва сабр-тоқатига ҳам боғлиқ. Шу йўлни босиб ўтиб ҳушёр оқибатини тушуниб етган инсонлар кўп. Ҳозирда улар жамиятда ўрнини топиб, ўз касби бўйича иш фаолиятини давом эттиришмоқда.

— Суҳбатимиз якунида ёшларга маслаҳат ҳамда тасвиаларингиз...

— Ёшларимиз инсонни тубанлик сари элтвучи гиёҳвандлик аталмиш ўта жирканч иллатдан узоқ бўлишни истардик. Саломатлик — бебаҳо нэмат. Унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш лозим. Фарзандларимиз қачонки соғлом ҳаёт тарзига амал қилиб яшаш, билим олиш, касб ўрганиш, фойдали юмушлар билан шуғулланишга одатланса, шундагина ёш иллатлардан ўзини ишончли ҳимоялаган бўлишди.

«Ishonch» мухбири Давронбек ОРИПОВ суҳбатлашди

Оромгоҳда

Баркамол авлод орзуси

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят Ахборот-кутубхона маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Кармана туманида жойлашган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидоги «Ишонч»

оромгоҳида «Баркамол авлод орзуси» мавзусида тадбир ўтказилиб, кўча кутубхона ташкил этилди.

Тадбирда болажонларга мазмунли ҳордиқ чиқаришда китобнинг ўрни бекиёслиги ҳақида атрофлича тушунча берилди. Шунингдек,

тарбияланувчилардан иборат «Омадилар» ҳамда «Кўнвоқлар» гуруҳлари иштирокида «Кўнвоқлар ва зўқоқлар» бешлашув ўтказилиб, барча иштирокчиларга фахрий ёрликлар топширилди.

Назокат БАРНОҚУЛОВА, вилоят Ахборот-кутубхона маркази бўлим муҳбири

Реклама

«КО'СНМАС MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖ Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 24 май куни соат 11:00да ўтказилиши белгиланган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 19 апрелдаги 53/ас-ер, 54/ас-ер, 55/ас-ер-сонли буйруқларига асосан яқна тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод қилиш қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:

Учқўрғон тумани, Ўзбекистон ҚФЙ, Мустақиллик ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Янгигўрғон тумани, Дехқонobod ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-3-сонли 3 та, Ҳамза ҚФЙ Ҳамза ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 2, 6-сонли 2 та ер майдонлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 238 630 сўмдан, тўланадиган закалат пули миқдори — 119 315 (Бир юз ўн тўққиз миң уч юз ўн беш) сўмдан; Мингбулак тумани Гулбоғ ҚФЙ Ёшлик ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 3-сонли 1 та, Гулбоғ ҚФЙ Қорашаҳар ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 14,

15, 16, 19, 20-сонли 5 та, Меҳнатобод ҚФЙ Меҳнатобод ҚФЙ 296к-контур ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Меҳнатобод ҚФЙ Меҳнатобод ҚФЙ 211к-контур ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Олтинқўл ҚФЙ Мулкobod ҚФЙ 136к-контур ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-5-сонли 5 та, Гулбоғ ҚФЙ Ёшлик ҚФЙ 523к-контур ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-4-сонли 4 та ер майдонлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 197 680 сўмдан, тўланадиган закалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўмдан; Гулбоғ ҚФЙ Қорашаҳар ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 300,0 кв. метрдан иборат бўлган 18-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 148260 сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Гулбоғ ҚФЙ Янги Гулбоғ ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 183 560 сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Гулбоғ ҚФЙ Алами ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1, 2-сонли 2 та, Жомашуй шаҳарчаси Мустақиллик ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи

400,0 кв. метрдан иборат бўлган 1-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 254 160 сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Поп тумани Гурумсарой ҚФЙ ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 196-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси — 478 800 сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 200 000 (Икки юз миң) сўм; Янгигўрғон тумани, Поромон ҚФЙ ҳудудидида 478к-контурдан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 66, 71, 123, 124, 131, 132, 133, 134, 135, 138, 139, 169, 172, 173, 174-сонли 15 та ер майдонлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 54 720 сўмдан, тўланадиган закалат пули миқдори — 30 000 (Ўттиз миң) сўмдан; Нанай ҚФЙ Сохибор маҳалласи ҳудудидида 128к-контурдан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 4-сонли 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси 189 000 сўм, тўланадиган закалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўм; Наманган тумани, Фирвон ҚФЙ Самарқанд ММТП ҳудудидан ажратилган сатхи 400,0 кв. метрдан иборат бўлган 156, 157, 119, 183-сонли 4 та ер майдонлари, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 400 000 сўмдан, тўланадиган закалат пули миқдори — 100 000 (Бир юз миң) сўмдан.

Ер майдонлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазати, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, каналлаштирилган боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотларни олиш учун савдо ташкилотчисига мурожаат қилишингиз мумкин.

Оқоридоғи ер майдонлари 2016 йил 24 май куни сотилганда тақрирдда 31 май, 7 ва 14 июн кунлари соат 11:00да ўтказиладиган аукцион савдоларига такроран киритилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (Йигирма) кун муддатда сотувчи билан олд-соти шартномасини тузади. Талабдорлардан аризаларини ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00гача (тушлик 12:00дан 13:00гача) куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2016 йил 23 май куни соат 18:00да (такрорий савдолар учун мос равишда 2016 йил 30 май, 6, 13 июл кунлари соат 18:00да) тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув» ни имзолагандан сўнг закалат пулини «КО'СНМАС MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 303110873, 2020 6004 0780 7001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли шахсининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва аукцион савдоларини ўтказиш манзили: Савдо ташкилотчиси: «КО'СНМАС MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖ, Манзил: Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси 1-қават 5-хона), Телефон: (0-369) 227-25-22. E-mail: kmsf_2016@mail.ru. Веб-сайт: www.kmsf.uz. Лицензия: RR-0215.

Хизматлар лицензияланган.

БИЛДИРИШ

«КО'СНМАС MULK SAVDO FAOLIYATI» МЧЖ 2016 йил 24, 31 май ва 14 июн кунлари Аукцион савдоларини ўтказувчи комиссия иштирокида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказилган очик аукцион савдосига натижаларида:

1. Мингбулак тумани
 - 1.1. Гулбоғ ҚФЙ Ёшлик ҚФЙдаги 3-сонли ер майдони 1 000 000 сўмга;
 - 1.2. Меҳнатобод ҚФЙ Меҳнатобод ҚФЙдаги 296к-контурдаги 1-5-сонли 5 та ер майдонлари 800000 сўмдан-1000000 сўмгача;
 - 1.3. Меҳнатобод ҚФЙ Меҳнатобод ҚФЙдаги 211к-контурдаги 1-5-сонли 5 та ер майдонлари 800000 сўмдан-1000000 сўмгача;
 - 1.4. Олтинқўл ҚФЙ Мулкobod ҚФЙдаги 136к-контурдаги 1-5-сонли 5 та ер майдонлари 800000 сўмдан-1200000 сўмгача;
 - 1.5. Гулбоғ ҚФЙ Ёшлик ҚФЙдаги 523к-контурдаги 1-4-сонли 4 та ер майдонлари 800000 сўмдан;
 - 1.6. Гулбоғ ҚФЙ Янги Гулбоғ ҚФЙдаги 1-сонли ер майдони 635000 сўмга;
 - 1.7. Гулбоғ ҚФЙ Алами ҚФЙдаги 1-сонли ер майдони 1005000 сўмга;
- 1.8. Жомашуй ШФЙ Мустақиллик ҚФЙдаги 1-сонли ер майдони 1505000 сўмга;
2. Поп тумани
 - 2.1. Гурумсарой ҚФЙдаги 196-сонли ер майдони 1680000 сўмга;
 3. Поромон ҚФЙ даги 478к-контурдаги 71, 123, 124, 131, 132, 133, 134, 135, 138, 139, 169, 172, 173, 174-сонли 14 та ер майдонлари 255000 сўмдан;
 - 3.2. Нанай ҚФЙ Сохибор ҚФЙдаги 4-сонли ер майдони 1090000 сўмга;
 4. Наманган тумани
 - 4.1. Фирвон ҚФЙ Самарқанд ММТПдаги 119, 156, 157, 183-сонли 4 та ер майдонлари 1000000 сўмдан-1400000 сўмгача;
 5. Учқўрғон тумани
 - 5.1. Ўзбекистон ҚФЙ Мустақиллик ҚФЙдаги 1-5-сонли 5 та ер майдонлари 1140000 сўмдан;
 - 5.2. Янгигўрғон ҚФЙ Дехқонobod ҚФЙдаги 1-2-сонли 2 та ер майдонлари 1140000 сўмдан 9000000 сўмгача;
 - Ҳамза ҚФЙ Ҳамза ҚФЙдаги 2, 6-сонли 2 та ер майдонлари 1740000 сўмдан 4040000 сўмгача сотилганлигини маълум қилади.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDDI LARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ilbodinov
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhirlar: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma G — 615.
20637 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 23:55

Topshirildi — 01:40

1 2 3 4 5 6